



# ЖОШЛИК СУЗВИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 март, чоршанба, 1995 йил Сотувда эркин нархда. № 51 (1053)

## МИСҚОЛИ ТИПЛОГА ТЕНГ

Республика Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатини таъкидлаш ҳақида улар олдида улкан вазифалар қўйди. Аграрноат мажмуи ходимларининг кенгашлари ана шу вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларига бағишланмоқда.

14 март куни Тошкентда аграрноат мажмуи ходимларининг пахтачиликни ривожлантириш бўйича республика кенгаши бўлиди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.



қарорлари лойиҳаси билан таништирилди.

Пахта мустақил республикамиз иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутди. Республикамиз пахта толасини экспорт қилиш бўйича Америка Қўшма Штатларидан сўнг дунёда иккинчи ўринда туради. Шунинг учун Ўзбекистонда қанча пахта етиштирилиши ҳақда бозорига таъсир этмай қолмайди, дея таъкидланди кенгашда.

Маълумки, кейинги йилларда республикамиз раҳбарияти ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахта майдонларини бир қалдар қисқартиришни лозим топди. Хўш, бизда ўртача ҳосилдорликни 30-35 центнерга етказишни имкони борми? Кенгаш қатнашчилари бунга

эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусида фикр юритдилар. Чунки ўтган йили Бухоро, Хоразм, Сурхондарё вилояти пахтакорлари гектаридан ўртача 30 центнердан хирмон кўтарди. Ўшангидек, Жондор, Бухоро, Наманган, Шўрчи туманларида ҳосилдорлик 35-37 центнерга етгани пахтачиликдаги ички имкониятларимиз кўп эканини кўрсатиб турибди.

Кенгашда бепарволик, масъулиятсизлик туфайли ҳосил чўғини пасайтириб юборган қарорлар танқид қилинди. Қўлоқлик сабабларини об-ҳавога тўнқайдиган даврлар ўтиб кетгани қайд этилди. Тажриба шуни кўрсатдики, ўтган йили шудгорланмаган ёки бу

иш сифатсиз бажарилган вилоят ва туманларда ҳосилдорлик пасайиб кетди. Кейинги йилларда йил кўйилётган камчиликлардан яна бири ерга уруғ экиш муддатини 10-15 кунга кечиктириб юборилгани дея таъкидланди.

Олимларимиз чигит экиннинг минтақаларо оптимал муддатларини тавсия этдилар. Эндиги вазифа улардан асрий деҳқончилик тажрибамизни инобатга олган ҳолда фойдаланишдан иборат.

Кенгашда Исмоил Жўрабеков яқунловчи нутқ сўзлади. Республикамизда фермерлик ҳаракати тобора ривож топётгани иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришда муҳим омили бўлмоқда, деди нотиқ. 1991

йилда деҳқон ҳўжаликлари ишлаб чиқарган гўшт 4 фоизини ташкил этган бўлса, бугунга келиб фермерлар республикада етиштириладиган гўштни 30 фоизини етказиб бермоқда.

Ҳўжаликларга ажратиб берилган ер майдонларидан олинётган ҳосилдорлик ҳам юқори бўлаётганини кўриб турибмиз. Келажакда қишлоқ ҳўжалигида амалга ошираётган иқтисодий ислохотларимизни деҳқон ҳўжаликлари рўзбога чиқаради, дейилса жуда тўғри бўлади. Хулоса қилиб айтсак, келажакда ернинг ҳақиқий эгалари фермерлар бўлиб қолиши керак. Бу аграрноат мажмуидаги барча соҳаларга тааллуқлидир.

Кенгашда ҳанузгача зарар

қўриб ишлаётган ҳўжаликлар ҳақида таъкид билан гапирди. Энди давлат газнасидан ҳўжаликлар зарарини қоплаш учун маблағ ажратилмайди. Бундай жамоаларни зудлик билан фермер ҳўжаликларига айлантириш лозим. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки мамлакатни асосан фермерлар боқадди. Бизда ҳам охири-оқиратда шундай бўлиши керак.

Республика Президенти Фармонига кўра бир гуруҳ қишлоқ ҳўжалик мажмуи ходимлари Ўзбекистоннинг фахрий унвон ва фахрий ёрликлари билан тақдирланган эди. И. Жўрабеков илғорларга ватаннинг ана шу юқоқак мукофотларини тантанали равишда топширди.

Кенгаш қатнашчилари республика Олий Мажлиси биринчи сессияси қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, Президент Ислам Каримовнинг сессиядаги маърузасида баён этилган вазифаларни изчиллик билан бажариш, 26 март куни бўладиган республика Референдумида фаол иштирок этиш, пахтакорлик касбини янада эъзозлаш юзасидан мамлакатимиз меҳнатқашларига мурожаатнома қабул қилдилар.

**П. НИШОНОВ,**  
УЗА мухбири.

Суратда: кенгаш пайти. Р. ПУРИДИНОВ олган сурат (УЗА).

### Сўз — кенгаш қатнашчиларига

## БУ ЙИЛ ҲАМ ЮЗИМИЗ ЁРУФ БЎЛАДИ

Рустам ЭҒАМОВ, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани, 1 Май жамоа ҳўжалиги раиси:

— Кеча ўз ишини тутатган пахтакорларнинг республика кенгашида 1995 йил пахтадан мўл-ҳосил етиштиришни аниқ вазифаларни белгилаб берилди. Унда ҳар бир жамоа ҳўжалиги, ҳар бир пахтакор олдига кўндаланг бўлиб турган вазифалар, муаммолар ўз ифодасини топ-

ди. Бизнинг жамоа ҳўжалиги-мизда ўтган йили пахта етиштириш бўйича барча режалар оширилиб бажарилди. Ҳозирги иқтисодий қўйил шароитларда пахтадан мўл-ҳосил олиш, республикамизнинг валюта фондига бойитиш қўйини иш, албатта. Лекин деҳқонларимиз бу вазифани чин қўйилган, қўйинчиликларга қарамастан улдасидан чиққоқлар. Кенгашда пахтакорлар шароитга қараб қайси

нави экинни, қай шароитда қандай иш юритишга бўлган барча пахтачиликда доир ишлар белгилаб берилди. Бизнинг жамоамиз бу белгиланган вазифаларни бажаришга шубҳа йўқ. Бу йил ўғитлар, зараркунандаларга қарши доирлар сотиб олиш муаммо бўлиб турибди. Лекин бизнинг жамоамиз бу муаммоларнинг ҳам ечимини топишган. Минерал ўғитлар ўрнига маҳаллий ўғитларни қўлашни

мақсад қилиб қўйишди. Зараркунандаларга қарши курашда эса биологик усул кенг қўлланилди.

Бу кенгашда пахтакорлар ўз олдларига қўйилган бўлиб турган барча муаммоларнинг ечимини топдилар. Гадаги вазифалар фақат уларни виждонан бажаришда қолди.

**Абдурашид МАШАҲАБОВ,**  
Юқори Чирчиқ тумани Аҳмад Яссавий номида ҳўжалиги раиси.

— Бу йил бўлиб ўтаётган пахтакорларнинг республика кенгаши қишлоқ ҳўжалик соҳаси айниқса пахтачиликни ривожлантиришни муҳим омиллари ва унинг халқ ҳўжалигида турган ўрнини кенг жамоатчиликка намойиш этди. Бизнинг ҳўжалигимизда аввалги йиллар ҳам пахтадан мўл-ҳосил олиб келинган. Жамоа ҳўжалиги аъзолари мизнинг бу йили режалари 1500 гектар ерга пахта экиб ундан 4200 тонна пахта ҳосил олиши-

кунлар қолди. Биз ўтган йилги тажрибалардан хулоса чиқариб, бу йил бошқача иш тутдик. Экин-ладиган майдонлар куздаёқ шудгорлаб қўйилди. Экин мавсумига барча техника тахт қилиб қўйилган. Жамоамиз пахтакорларнинг аҳди шукки, бу йил барҳа пахта экиш мавсумини кенгашда таъкидланганидек, 7-8 иш кунда туталмаймиз. Пахта етиштиришни барча агротехник қондаларига амал қилиб пахта ҳўждорлигини оширишимиз шўбҳасиз.

«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.

### САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан самимий қутловларимни қабул этгайсиз.

Амир МУСА,

Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДОКТОР ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан буюк сўлтон Ҳазрат Заҳриддин Муҳаммад Бобур авлодларининг қутловларини қабул этгайсиз.

Ҳақдон муносиб ўрин эгаллаш учун буюк аждодимиз ва-синятларига амал қилайлик.

Зиёвуддин ТУСИЙ,  
Ҳиндистон.

### ЁНИЛҒИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Қоровулбозор туманида бунёд этилаётган нефтни қайта ишлаш заводиди республика штабининг наватдаги йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов бошқарди.

Маълумки, завод фойдаланишга топширилган, йилига 5-5,5 миллион тонна нефтни қайта ишлайди. Бу эса мамлакатимизнинг ёнилғи мустақиллигини таъминлабгина қолмай, четга маҳсулот экспорт қилиш имкониятини ҳам беради.

Дайи кунларда зарбдор иншоотда қурилиш тежорликлари билан давом этмоқда. Январ-февраль ойлариди белгиланган графикдан ўзиб ишланди. Ҳозир завод қурилишида бир нечта йирик қурилиш трестлари, бириламалар, жумладан 2 мингдан зиёд ишчи, 300 га яқин машина ва механизмлар ишламоқда.

Улкан иншоот бунёд этилган, беш мингдан ортиқ киши доимий иш билан таъминланади. Ишчиларнинг ишга қатнашида муаммо бўлмастлиги учун завод биноси билан бир вақтда нефтьчилар шахарчаси ҳам қуриломоқда.

Йиғилишда завод қурилишини янада жадаллаштиришга қаратилган амалий тадбирлар белгиланди.

(УЗА).

### МУКОФОТЛАР МУБОРАК

Республика Президентининг Фармонида асосан кўп йиллик самарали меҳнатлари, қишлоқ ҳўжалик соҳасида юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганликлари ва ижтимоий ҳаётда фаол қатнашганликлари учун мамлакатимиз деҳқончилик сановати мажмуи ходимларидан бир гуруҳи республика фахрий унвонлари ва фахрий ёрликлари билан мукофотланди.

### Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси бош қотибининг ўринбосари Рожер Лоуренс билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистонга хорижий сармоядорларни жалб этиш, савдо-сотик, банк, молия ва бошқа соҳаларда малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилиш билан

## ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси бош қотибининг ўринбосари Рожер Лоуренс раҳбарлигидаги делегация бир неча кундан буюн мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Делегация аъзолари вазирилик ва муассасаларда бўлиб, ўзаро

ҳамкорликни кенгайтиришга оид кўплаб музокаралар ўтказди. Тошкентда БМТнинг мазкур ташкилоти ҳамкорлигида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Молия вазирлигидаги учрашувда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холд Малк иштирок этди.

(УЗА).

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Ашир

## АҚШ ЭЛЧИСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТИДА

беков АҚШнинг Ўзбекистондаги Фаёқуллода ва Мухтор Эли Клэрки қабул қилди. У. Аширбеков меҳмонга Оролбўйи хулудла иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, ижтимоий масалалар ва экология бора-расида қилинаётган муҳим тадбирлар тўғрисида гапириб берди.

Генри Ли Клэрк Нукес шаҳридаги «Прогресс» тил ўрганиш марказида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида, Элликқалъа туманидаги «Элтекс» комбинатида бўлди, қадимий хоразмийларнинг илк қароргоҳи — Тупроққалъа билан танишди.

(УЗА).

### КИЧИК ТАДБИРКОРГА ЁРДАМ

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий қўмитасида ҳозирги пайтда ёшлар орасида кам учрайдиган касблар вақиллари йиғилиши ўтказилди.

Улар орасида темирчилар, тунукасоллар, пойабзалчилар, миллий меҳнат тайёрлайдиган усталар, бошқа халқ ҳўнармандчилиги усталари бор эди.

## МАҚСАД МАҲСУЛОТ ХАРИДОРГИРЛИгини ТАЪМИНЛАШ

Қизилтепа туманидаги «Эндола» тикворт ишлаб чиқариш бириламисини бугунги кунда нафақат туман аҳли балки қўйини вилоятдагилар ҳам жуда яхши билмайдилар. Чунки унда тайёрланаётган маҳсулотлар турли сифатлиги, харидорларнинг билан ажралиб туради.

Энг муҳими бириламма мажмурияти бутунги бозор иқтисодий шароитида ил юритиш усулини мукаммал ўзлаштириб олган. Бириламма мисол, ўтган йили жамоа аҳли асосан ётқиқ ва кўрпа жилдлари ишлаб чиқарган бўлса, бугунги кунда фартук, нимча, фуфайка, аёллар халати ва ишга ўқшап йиғирмалар энди маҳсулотлар тури тайёрланмоқда. Бундан мақсад — дейди бириламма бозор директори Рустам Саломов, — корхона сининининг олдини олиш ва маҳсулот харидорлигини таъминлашдир.

СУРАТДА: ушбу бириламманинг бир тўрқ қўн гул тиквортларини кўриб турибсиз.

## СОҲИБҚИРОН ТУПИГА ТУЕНА

Инглаз тарихчиси Хильда Хуксем хоним битган «Соҳибқирон» китоби жаҳонда машҳур бўлишига қарамай, бизга энди, мустақиллик шароити туфайли етиб келди.

«Адолат» нашриёти 50 минг нусхадда чоп этган бу китобда буюк соҳибқироннинг сурунли ҳаёти йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллифининг тарихта ҳолис, адолат назари билан қарашни туфайли буюк соҳибқирон китобхон кўз олдида жонли, донашман, адолатли, жасур, мард инсон, улкан давлат арбоби ва тадбиркор саркарда сифатида намоён бўлади.

(УЗА).

### ЯНГИЛИКЛАР \* ФАКТЛАР \* ВОКЕЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва УЗА мухбирлари хабар қиладилар

### СЕССИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ УРГАНИЛМОҚДА

Ажзиниё номидида Нукес давлат педагогика институтида мамлакатимиз парламентининг биринчи сессияси материалларини урганишга бағишланган илмий-амалий конференция бўлди.

Унинг қатнашчилари «Ўзбекистон Республикасининг эркин келажagini назарий ва амалий жиҳатдан далиллаш», «Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг аҳамияти» каби мавзуларда маърузалар тингладилар.

Конференцияда Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис сессиясида Ўзбекистоннинг иссий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисидаги маърузасини ўрганиш мақсадида мазкур олий ўқув юрти факультетларида кўшимча машғулотлар ўтказишга қарор қилинди.

### БАҲОР БОҒПАРДАН БОШЛАНДИ

Янгиқўрғон туманида мевали боғларга ишлов, дарахтларга шакл бериш қизғин давом этмоқда. Бу боғларда, айниқса, Доли Сааторов номидаги жамоа ҳўжалиги аъзолари пешқадамлик қилинаётди.

Ҳўжаликда 2850 гектар мевали боғ мавжуд. Шу кунларда ҳар бир дарахта меҳр билан ишлов берилди. Шунингдек, боғлар кўчатларни озиклантириш, қимий ўсулда парвариниш ва зараркунандаларга қарши курашишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ишларда тажрибали боғбон Усмонови Пулатов барчага намуна бўлган. У ўз қарамонидида 8 гектар олмазордан 400 тоннага етказиб ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: тажрибали боғбон У. ПУЛАТОВ дарахтларга ишлов бермоқда.

### ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

Тошкент вилоятида қўламли ишлар уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.

Қибрай туманининг Туроб Нормухаммедов номидаги жамоа ҳўжалиги қарашли Маҳмуджон Норалиев етакчилик қилаётган кўчатхона жамоасининг қўли-қўлига тегайди. Бу ерда уч миллион донга эртанги қарам, шунча миқдордаги помидор қўчати парвариланмоқда. Сабзавоткорлар кўннинг илқ келатганидан фойдаланиб, ўн гектар ерга картошка уруғи қадаб қўйишди, 30 гектар майдондаги пиёз эса дастлабки ўтоқдан қўчқилиди.

### Кичик тадбиркорга ёрдам

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий қўмитасида ҳозирги пайтда ёшлар орасида кам учрайдиган касблар вақиллари йиғилиши ўтказилди.

Улар орасида темирчилар, тунукасоллар, пойабзалчилар, миллий меҳнат тайёрлайдиган усталар, бошқа халқ ҳўнармандчилиги усталари бор эди.

## МАҚСАД МАҲСУЛОТ ХАРИДОРГИРЛИгини ТАЪМИНЛАШ

Қизилтепа туманидаги «Эндола» тикворт ишлаб чиқариш бириламисини бугунги кунда нафақат туман аҳли балки қўйини вилоятдагилар ҳам жуда яхши билмайдилар. Чунки унда тайёрланаётган маҳсулотлар турли сифатлиги, харидорларнинг билан ажралиб туради.

Энг муҳими бириламма мажмурияти бутунги бозор иқтисодий шароитида ил юритиш усулини мукаммал ўзлаштириб олган. Бириламма мисол, ўтган йили жамоа аҳли асосан ётқиқ ва кўрпа жилдлари ишлаб чиқарган бўлса, бугунги кунда фартук, нимча, фуфайка, аёллар халати ва ишга ўқшап йиғирмалар энди маҳсулотлар тури тайёрланмоқда. Бундан мақсад — дейди бириламма бозор директори Рустам Саломов, — корхона сининининг олдини олиш ва маҳсулот харидорлигини таъминлашдир.

СУРАТДА: ушбу бириламманинг бир тўрқ қўн гул тиквортларини кўриб турибсиз.

## СОҲИБҚИРОН ТУПИГА ТУЕНА

Инглаз тарихчиси Хильда Хуксем хоним битган «Соҳибқирон» китоби жаҳонда машҳур бўлишига қарамай, бизга энди, мустақиллик шароити туфайли етиб келди.

«Адолат» нашриёти 50 минг нусхадда чоп этган бу китобда буюк соҳибқироннинг сурунли ҳаёти йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллифининг тарихта ҳолис, адолат назари билан қарашни туфайли буюк соҳибқирон китобхон кўз олдида жонли, донашман, адолатли, жасур, мард инсон, улкан давлат арбоби ва тадбиркор саркарда сифатида намоён бўлади.

(УЗА).



# ЧОРВАДА НИМАГА ЯЛАМАТУЗ ЙЎҚ?

**АВВАЛЛАРИ хўжаликларнинг чорвачилик фермасида, ҳатто ҳар бир хонадондаги мол охурида яламатуз (емтуз) бўларди. Кейинги йилларда псевдур бу парса унутилиб юборилди. Ҳолбуки, чорва маҳсулдорлигини оширишда яламатузнинг аҳамияти беқийсдир. Шу боис, ушангана қайта тиклаш зарурати туғилмоқда.**

**Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг паразитология кафедраси мудири, ЎзФА мухбир аъзоси, профессор Эркин Эргашев бу ҳақда муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.**

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришгандан буюн ўтган даврда қўрсодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳам анча ишлар қилинди. Кейинги уч-тўрт йилда Ўзбекистонга четдан олиб келинадиган дон ва ун маҳсулотлари икки баробар, гўшт ва сўт маҳсулотлари 2-3 баробар камайди. Бундан кўринадики, халқимизнинг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини аста-секин ўзимиз қондириш имкониятлари ҳам йўқ эмас. Аммо чорва туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш имконини берадиган айрим зарур омиллар кейинги йилларда эътибордан четта қола бошлади.

Тўғри, айни кунда мамлакатимизда боқилмаётган 5 миллиондан зиёд чорва молларида эмасхашак етказиб бериш муаммоси баҳоли қудрат ўз ечимини топмоқда. Лекин чорвадорларимиз молларга берилмаётган эм-хашак таркибидан уларнинг организми учун зарур бўладиган туз моддаси етарли эмаслигини унутиб қўймоқдалар. Бирорта заводи омухта емага етарли туз ёки микроэлемент кўймайди.

Биз авваллари ўзимиз ишлаб чиқариш учун тузнинг Қўрсодий тоғларида олишди. Иқтисодий алоқаларнинг мураккаблашуви туфайли 1994 йилда ош тузи бироз камбў бўлиб қолди, чорвада ҳам яламатуз йўқолди.

Одамоз тузсиз яшай олмаганидек, чорва моллари ҳам тузсиз ҳаёт кечира олмайди. Чорванинг охурида доимо яламатуз бўлишига эришмай туриб, унинг маҳсулдорлигини ошириш ҳақида гапириб ортиқча. Ҳар бир қорамол кунига 100-150 грамм туз ялаши зарур. Шундангина унинг овқат ҳам қилиши 25 фойз яхшиланади, касалликларнинг олди олинади, гўшти ҳам майин бўлади.

Бу гаплар янгилик эмас. Чорва молларига яламатуз бериш неча йиллар давомида ўз самарасини кўрсатиб келди. Энди яна ўша услубга қайтиш керак. Хўш чорвани яламатуз билан тула таъминлашнинг, уни ўзимизда ишлаб чиқишнинг имкониятлари борми? Бор, албатта. Ўзбекистон Фанлар академияси бу соҳа бўйича олти вилоятда иш олиб борапти. Мен тузни ҳар хил арзон табиий микроэлементлар ва оқсил моддаси билан бойитиш йўллари илмий асослаб, яламатуз яратдим. Каттақурғон чорвачилик комплексларида сингалчак яхши натижалар берди. Уни қўллаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун Қизилтепа гишт заводи ташланди. Бу заводнинг шароити ҳам шунга мос. Йилга 1 миллион донга гишт ишлаб чиқариладиган бу заводда энди 1 миллионга яламатуз гишти ишлаб чиқариш имкони бор. Кейинчалик бундай заводларнинг Бешарикда, Олот туманида, Деҳқонободда, Хоразмда ҳам ишга тушириш мумкин.

Маълумки, чорва молларини карбонид моддаси билан озиқлантириш, бунинг эвазига эм-хашакни тежаш тажрибаси аввалдан мавжуд. Лекин кейинги пайтда бизда бу усул ҳам унутулди. Ҳозирги пайтда дунёда чорва учун йилга 100 миллион тоннага яқин карбонид моддаси ишлатилади. Авваллари шундан 1 миллион тонна собиқ СССР ҳиссасига тўғри келарди. Унинг ёрдамида миллионлаб тонна омухта эм, яъни галла тежаб қилинарди.

Чорва моллари карбонид моддасининг қуруқ ўзини яхши истеъмол қилмайди. Биз шуни эътиборга олиб таркибига 25 фойз карбонид қўшилган яламатуз ишлаб чиқишни йўлга қўйдик. Агар қорамол яламатуз

билан бирга 1 грамм карбонид истеъмол қилса, унинг танасида 2,6 грамм оқсил ҳосил бўлади. Бу дегани ҳар бир қорамол бир кунда 1 килога яқин омухта емнинг ўрнини босадиган карбонид истеъмол қилади. Бундан кўринадики, йилга 1,5 миллион тонна омухта емни, демак маълум миқдорда галлани тежаб қилишнинг имкони бор.

Карбонидни қардан оламиз, деган савол туғилади. Жаҳон талабларига тула жавоб берадиган карбонид ўзимизнинг Фаргона кимё заводида ишлаб чиқарилади. Унинг 1 килосига 2 сўм ҳаражат кетади, берилган фойдаси эса 34 сўм. Айни кунда АҚШ Фаргона карбонидининг ҳар тоннасини 100-150 доллардан ўз чорваси учун сотиб олиб кетапти. Шунинг унутмаслик керакки, унинг бир тоннаси 20 тонна галлани ўрнини босади.

Демак, яламатузга карбонид қўшиб қўллаб ишлаб чиқарсак, чорва маҳсулдорлигини оширишга, бир неча миллиард сўм маблағни тежаб қилишга эришамиз.

Яламатуз молларни давлат ширкати қўллаб ишлаб чиқариши йўлга қўйиш учун Қизилтепа гишт заводи ташланди. Бу заводнинг шароити ҳам шунга мос. Йилга 1 миллион донга гишт ишлаб чиқариладиган бу заводда энди 1 миллионга яламатуз гишти ишлаб чиқариш имкони бор. Кейинчалик бундай заводларнинг Бешарикда, Олот туманида, Деҳқонободда, Хоразмда ҳам ишга тушириш мумкин.

Маълумки, чорва молларини карбонид моддаси билан озиқлантириш, бунинг эвазига эм-хашакни тежаш тажрибаси аввалдан мавжуд. Лекин кейинги пайтда бизда бу усул ҳам унутулди. Ҳозирги пайтда дунёда чорва учун йилга 100 миллион тоннага яқин карбонид моддаси ишлатилади. Авваллари шундан 1 миллион тонна собиқ СССР ҳиссасига тўғри келарди. Унинг ёрдамида миллионлаб тонна омухта эм, яъни галла тежаб қилинарди.

Чорва моллари карбонид моддасининг қуруқ ўзини яхши истеъмол қилмайди. Биз шуни эътиборга олиб таркибига 25 фойз карбонид қўшилган яламатуз ишлаб чиқишни йўлга қўйдик. Агар қорамол яламатуз

«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ эътибор олди.



**Шу кунларда Буюқ Галабанинг 50 йиллигига катта тайёргарлик кўриляпти. Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Гафур Ғулом номи маҳаллада истиқомат қилаётган ўн бир нафар уруш қатнашчилари жойларда учрашувларда бўламоқдалар.**

**СУРАТДА: (чапдан ўнгга) маҳалла кўмитаси раиси Қўчқор Йўлдошев, Қўчқор Одилов, Соҳир Султонов, Соҳир Йўлдошев ва Ғўзлат Холидназаровлар ўқувчилар даврасида.**

Р. АЛБЕКОВ олган сурат.

## ГАЛАБАГА БАҒИШЛАНГАН ТАНЛОВ

**Буюқ Галабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўришга республикамизнинг барча ҳудудларида катта эътибор берилаяпти.**

Ушбу санани муносиб нишонлаш юзасидан Жиззах вилоятида тузилган ташкилий кўмитанинг навбатдаги йиғилиши вилоят газетлари саҳифаларида чоп этил-

ган ва маҳаллий телевидение орқали уруш мавзусида намойиш қилинган энг яхши видеотасвирлар, бадиий асарлар мақолалар учун кўрик-танлов эълон қилди. Ғолибларни турли миқдордаги олти пул мукофоти кутмоқда. Улар 9 май кунини топширилади.

Ҳ. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## КАМҚОНПИККА ДАВО МАҲСУЛОТ

**Американинг «Крослинг интернейшнл» фирмаси Ўзбекистон Республикаси ФА Микробиология институтини билан ҳамкорликда камқонлик касаллигини замонавий усулларда даволаш юзасидан Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида бир қанча илмий излашлар олиб борди.**

Қисқа даврда «Ором» деб номланувчи бир қатор нордон суг ва доривор маҳсулотлар тайёрланди. Мўйноқ шаҳар

қилиниб, уларнинг таркибиде касалликни даволашда қўллаб витаминлар борлиги қайд этилди. Маҳсулотларнинг дориворлигини маҳсул комиссия ҳам маъқуллади ва уларнинг маҳаллий стационар шароитида тайёрланишига тавсия берилди.

(Ўз муҳбиримиз).

## Янгиликлар ЭКОЛОГИК БИЛИМ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**Лаборант-химик, биолог, эколог, токсиколог ихтисослигидаги шаходатномалар мамлакатимизда илк марта мактаб битирувчиларга аттестат билан бирга берилган бўлди.**

Экология муаммоларини қидириш, санитария, гегиена ва касалликларнинг олдини олиш ўзбек илмий тадқиқот институтининг пойтахтимиздаги 12-умумтаълим мактаб билан бирлашишига олиб келди. Мактабда экологик ихтисослигига мўлжалланган 3 та синф очилди. Республикамизда биринчи марта ташкил этилган бундай синф ўқувчилари учун турли хил учрашувлар ҳам ўтказилиб турилади. Яқинда «Экосан» халқаро фондининг президенти, профессор Ю. Шодиметов ва Шредер номи илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори М. Мирзаев ўқувчилар ҳузурида бўлишди. Учрашувада экологик билимнинг долзарблиги ҳусусида гапирилиши ва бу муаммоларнинг ҳал қилинишида бўлгуси битирувчиларнинг роли беқийс бўлиши таъкидланди.

## ИШБИЛАРМОНЛИК НАТИЖАСИ

**Амударё туманидаги «Агротехниоттўзатиш» бирлашмаси ўтган йили очиб тургани ҳиссасидорлик жамиятига айлантирилган эди. Натижада ҳиссасидорлик жамияти ўз фаолиятини ташқари ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланадиган бўлди.**

Қисқа даврда иккита кичик корхона ташкил этилди. Уларда челақ, лаган, кетмон, беланчак ва бошқа буюмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, бу ерда кийим тикиш, атлас тўқиш цехлари ҳам фаолият кўрсатаяпти. Ҳиссасидорлик жамиятининг махсус 3 та дўкониде сотилаётган бу маҳсулотларнинг харидорлиги ҳиссасидорлик жамияти маъмуриятининг ишбилармонлигидан далолат беради.

Ҳ. ЭРМУҲАММАД.

## Муштарий бонг уради

**СУВНИНГ инсон ҳаётида тутайдиган ўрни беқийс. Шунинг учун ҳам азалдан сув ҳаёт манбаи деб қараб келинган. Қадимги дунё файласуфлари суви ҳаёт учун зарур бўлган тўрт усур (олов, ҳаво, тупроқ ва сув)дан бири деб ҳисоблаганлар. Зеро, ҳаётнинг боши ҳам сувдир. Одам танасидаги барча сувоқлик ва тўқималар таркибининг оғирлигига нисбатан 65 фойз сув ташкил этади. Одам очликка бир ойдан ошқиб чидаши мумкин, лекин сувсизликка 4-5 кундан ортиқ чидай олмайди. Негаки, сувада организмнинг яшаш учун зарур бўлган организм ва арганлик моддалар эрийд. Шунинг учун ҳам суви тоза сақлаш, ундан оқилона фойдаланиш инсон саломатлигининг муҳим омилларидан биридир.**

Икки миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган пойтахтимиз сув таъминотида Бўзсув канали алоҳида аҳамият касб этади. Шаҳар аҳолисининг ярмидан кўпроғи водопровод қувурлари орқали ана шу канал сувини истеъмол қилади. Биз яшаб турган «Селекция» маҳалласидан шаҳар канализацияси қувурлари ўтади. Қувурларнинг бузилганига икки йилдан ошди. Аҳоли яшайдиган жой ва атроф-муҳит канализация ахлати билан ифлосланиб ётибди. Ёз мавсумида унинг ҳидига одам чидаб туролмайди. Канализация ахлати чиқиб ётган жойдан 50-60 метр нарида болалар бөгчаси ва кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган. Энг ачинарлиси — ёгингарчилик натижасида ҳосил бўлган ҳалқоб сувлар канализация ахлати билан аралашиб, шундоққина ёнидан оқиб ўтадиган Бўзсув каналига тушади. Ана шу



## ОҚАР СУВГА АХЛАТ ОҚИЗИШ ИМОНСИЗЛИК ЭМАСМИ?

жойдан 2-2,5 қақирим нарида эса каналдан шаҳар водопроводига сув олинади... Бундан ташқари ғўза селекцияси ва уруғчилиги институтининг тажриба хўжалиги ҳудудидан ҳам шаҳар иссиқлик трассаси қувури ўтган бўлиб, бу ерлар шаҳар ахлатнасига айлантирилган. Саноат корхоналаридан чиқариб таш-

маҳсулоти қолдиқлари Бўзсув канали тагидан ўтказилган қувур орқали Салор каналига тушиши керак, лекин қувурлар кўмилиб кетганлиги сабабли бу сув ҳам ҳозир тўғридан-тўғри Бўзсув каналига оқизилмоқда. Республика ғўза селекцияси ва уруғчилик институтини янги тезпишар, серҳосил, вилтта

чидамли ғўза навлари яратиб донг таратган. Аммо бу илм даргоҳи ҳудудининг санитария-эпидемиология жихатдан хавфли жойга айланиб қолишини қандай изохлаш мумкин? Бу тўғрида маҳалла аҳолиси Қибрай тумани санитария-эпидемиология бўлимига бир неча бор мурожаат қилди, вилоят санитария-эпидемиология бўлими ва шаҳар канализация бошқармасига ҳам бир неча марта шикоят қилинди. Афсуски, ҳеч қандай фойдаси бўлмади.

Хулоса қилиб шунини айтмоқчиманки, биринчидан, олдинда ёз, қишлоқда хавфли юқумли касалликлар тарқалиши мумкин. Иккинчидан, канализация чиқиндилари билан шаҳар аҳолиси ичиб турган суви кўра-била туриб ифлослантириш имонга тўғри келмайди. Қолаверса, бу жиноят ҳамдир.

Республика санитария-эпидемиология станцияси раҳбарлари, вилоят ва туман ҳоқимиятидаги масъул раҳбарлар маҳалламизга бир келиб, аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитидан хабар олиб қўйсалар ёмон бўлмас эди.

Озод ҲАСАНОВ, «Селекция» маҳалласи фўқароси.

## АҚШ элчихонаси

**тажрибали мутахассисларни қуйидаги манзилда жойлашган икки қаватли офис қуриш учун ҳамкорликка таклиф қилади: Буюқ Турон кўч. 41-уй.**

**Қурилиш ишларига қуйидагилар кирди:** қайта монтаж қилиш ва девор қуриш, эшикларни, механик системаларни, Америка асбоб-ускуналарини ўрнатиш.

**Ишларнинг сметадаги баҳоси—** АҚШ долларида ҳисобланиб 250 000 дан 500 000 гача белгиланади.

**Қизиқувчан шахсларни Тошкентдаги АҚШ элчихонасининг маъмурий маслаҳатчиси Джон Гисеки номига эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун мобайнида таклифларини хат орқали юборишларини сўраймиз.**

## "Кварц"

**ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Республикасидаги истеъмолчиларга 1995 йил март ва апрелда чекланмаган миқдорда 0,65 л., 1,0 л., 3,0 л., ҳажмдаги шиша банкларни; 0,5 литрли пиво ва коньяк; 0,75 литрли шампан бутилкаларини пул ўтказиш йўли билан сотади.**

**Бизнинг манзилимиз:** Фаргона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2а.

**Телефонлар:** /373-37/, 3-21-73, 3-27-64, 3-37-14.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ рассоми, М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти профессори

**Чингиз АҚИМОВ**нинг вафот этганини кўчур қайту билан билдириб, маъмумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон енгил санъат давлат уюмчаси Хоразмдаги виллоятлардо савдо-тайёрлов бирлашмаси бош директори Жуманазар Салимовга отаси

**Ота САЛИМОВ**нинг вафот этганини муносабати билан кўчур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон» нашриётни жамоаси нашрият директори муовини Азимжон Риксиевга сингалос

**Маъмурият ОЛИМШАЙХОВ**нинг вафот этганини муносабати билан кўчур ҳамдирдан изҳор этади.

Тошкент педиатрия медицина институти маъмурияти ва жамоаси тиббий кимё кафедраси катта ўқитувчиси У. Э. Алиевага отаси

**Мария АЛИЕВ**нинг вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига кўчур қайту билан таъзия изҳор этади.

## Рекордлар, воқеалар, очколар ХАБАРЛАР ОҚИМИДА

**С**инхрон сузиш бўйича «Мир жиншини» журнали соврини учун ўтказилган ағъанавий халқаро турнирда юртимиз спортчилари бу йил биринчи марта қатнашишди. Москва шаҳрининг «Олимпийский» бассейнида ўтказилган халқаро турнирда қизларимиз Россия, Украина, Белорусь ва Миср спортчилари билан мусобақалашди. Шунинг аввалдан таъкидлаш жоизки, спортчиларимизнинг турнирда қатнашиши билан боғлиқ маблаг масаласи спорт кўмитаси томонидан ўз вақтида ҳал қилинмаганлиги боис юртдошларимиз мусобақага кечиктиб боришди. Натижада, турнирда совриндор бўлиш кутилган спортчимиз Марина Абрашкина ўздан катта ёшлар мусобақасида қатнашишига тўғри келиб, у бор-йўғи бешинчи ўрин билан қифоланди. Маринанинг Э. Муборакшина билан биргаликда чиқиши ҳам бешинчи ўринга лойиқ топилди. Терма жамоамизнинг бош мураббийси София Саватта турнирдан сўнг халқаро миқёсдаги ҳакам сертификати берилди. Буни республикамиз синхрон сузиш спортини ҳаётидаги катта воқеа сифатида баҳолаш мумкин.

**Ш**ойтахтимизда енгил атлетика бўйича Марказий Осиё мамлакатларининг Олимпия ўринбосарларини тайёрлаш билим юртлари спортчилари ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Эркалар спортининг 15, аёллар 14 туғи бўйича голиблик учун кураш олиб боришди. Қизларимиз уч турастурлари бўйича голиб чиқишган бўлса, эркалар бахсиде ҳамборларимиз саккиз турастурлар бўйича биринчи бўлишди. Юртдошларимиздан Руслан Загреддинов 200 ва 400 метрга югуриш, Иван Скориков ядро улоқтириш, Зуфар Асанов учқураш, Шерали Ўринов 800 метрга, Шерали Мабаев 1500 метрга, Дилшод Жўрабоев 300 метрга, Усмирлар ўртасида жаҳон чемпионати финалчиси Татьяна Матренина 1500 метрга югуриш бўйича халқаро турнирнинг бош совринларини қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобиде Тошкент шаҳар республика олимпия ўринбосарларини тайёрлаш билим юрти тарбияланувчилари 21644 очко тўплаб, голиб чиқишди.

**О**ғир атлетика, волейбол, бокс, кураш ва бошқа 18 спорт тури бўйича Сирдарё вилоятида Буюқ галабанинг 50 йиллигига бағишланган мусобақалар ўтказилаяпти. Беллашувлар дастлаб ёшлар ва ўсмирлар спорт мактабларининг залларида туманлар миқёсиде уюштирилди. Кўпгина спорт турлари бўйича Гулистон шаҳри, Сирдарё, Бобўт туман спортчилари муваффақият қатнашишяпти. Вилоят миқёсидеги беллашувлар айни кунларда қизгин пайтда кирди. Барча спорт турлари бўйича мусобақалар галаба байрами арафасида қўнланеди. Ғолиблар Галаба кўни турли хил совринлар билан тақдирланади. Бундай мусобақалар республикамизнинг барча ҳудудларида қанчалик кўп ўтказилса ва омавийлашса унинг аҳамияти шунчалик беқийсдир. Зеро, соғлом авлодни тарбиялаб юнга етказиш бутунги кунимизнинг долзарб масаласидир.

**Р**екорд ўрнатиш ҳар қандай спортчига ҳам насиб қилавермайди. Баъзан эса бир спортчи бир неча марта мамлакат ва жаҳон миқёсидеги рекордларни янгилашга муваффақ бўлади. Эндиликда республикамиз спортсеварлари Анвар Кўчмуродовнинг номини рекордчи сифатида яхши билишяди. У ўтган йили югуриш бўйича Осиё, Марказий Осиё ва мамлакатимиз рекордларини янгилаган эди. Анвар бу йил ҳам ўз фаолиятини рекорд ўрнатишдан бошлади. «Ал-Машриқ» фирмаси соврини учун пойтахтимизда ўтказилган мусобақада Анвар Кўчмуродов 60 метрга югуриш бўйича республика рекордини янгилади. Унинг усти ёшиқ иншоотда ўтказилган мусобақа бўйича кўрсатган рекорд натижаси 6,2 лаҳзага тенгдир. Шунингдек, ушбу мусобақада Светлана Мунькова (баландликка сакраш), Константин Сарнацкий (узунликка сакраш), Олег Верзилин (400 метрга югуриш), Анна Телупина (400 метрга югуриш) муваффақият қозонди. Енгил атлетикачиларимиз — С. Мунькова ва К. Сарнацкий шу кунларда жаҳон чемпионатида қатнашишяпти.

**Т**уркменистонда баскетбол бўйича эркалар ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Талабалар спорт миллий федерацияси уюштирган ушбу турнирда юртимиз шарафини Бухоро талабалар командаси ҳимоя қилди. Халқаро мусобақада мезбонлар ва юртимиз баскетбол жамоаларидан ташқари МДХ мамлакатларининг ўнга яқин командаси қатнашди. Учрашувларни кўтаринки рўҳда ўтказган ашгабатлик баскетболчилар турнир голиб бўлишди. Юртдошларимиз эса турнирнинг фахрли иккинчи поғонасига кўтарилди. Боку шаҳри баскетболчиларинингчи ўрнини эгаллашди.

**Ҳ**индистонлик грессмейстер В. Аниад ПША паноҳдаги тож даввогарлари финал учрашувининг учинчи партиясида оқ донларда ўйнаб, 56-юридан сўнг Г. Камскийни мағлубиятга учратди. Шундай қилиб учрашувада ҳисоб тенглашди: 1,5-1,5.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАРАДДУА

Қарши шаҳар жамоатчилиги Наврўз байрами шарафига шанбаликлар ўтказишга қарор қилган ва тушган маблағларни кам таъминланган, кўп болали оилаларга, қарияларга улашиш ташаббусини бошлаган эдилар.

Ана шу муносабат билан 11 март кунини умумшаҳар шанбалиги ўтди. Шанбалликда шаҳардаги 40 та мактаб, 6 та хунар-техника, 7 та махсус-ўрта, 3 та олий ўқув юрларининг ўқувчилари, талабалари, барча корхона ва ташкилотлар, муассасаларнинг ишчи-хизматчилари иштирок этдилар. Шаҳарликлар ўз иш жойларида меҳнат қилиш билан бирга шаҳарни ободонлаштиришга ҳам ҳисса қўшдилар. Майдон ва хиёбонларни, тарихий жойларни тартибга келтиришда иштирок этдилар, кўплаб дарахт, гул-кўчатлар экидилар.

Наврўзга бағишланган тадбирлар меҳнат жамоаларида ишлаш, ободонлаштириш, турли кўчатлар ўтказиб, шаҳарнинг яшилликка бурканишига ҳисса қўшишдангина иборат бўлмай, балки клубларда, театрларда санъаткорларнинг, ижрочи ёшларнинг чиқишлари уюштирилади. Фахрийлар, олимлар, шоирлар билан учрашувлар ўтказилади. Кинотеатрларда эса кадрларнинг ишчи улуғлайдиган фильмлар намойиш этилади.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Яқинда Тошкент давлат санъат институтида «Наврўз-95» фестивалига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди.

ИЖОДИЙ КЕЧА

Уни институт ректори, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тошпўлат Турсунов кириш сўзи билан очди. Кечага республикамизнинг барча вилоятларидан режиссёрлар, актёрлар ташриф буюрдилар. Меҳмонлар ўзларининг дил сўзларини баён айтадилар. Шундан сўнг истеъодли талабалар қизиқарли дастурлари билан меҳмонларни хушнуд этишди.

Шавкат РЕЖАПОВ.



Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихон» жамоа хўжалигидаги «Ширинтой» болалар боғчаси жамоаси Наврўз байрамига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Байрам кунлари бу ерда халқимизнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари болажонлар кўз ўнгига яна бир кўрик бўлади.

СУРАТДА: боғча тарбиячиси Нодира Мерганова.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

БУ ҲАЛИ ХАМИР УЧИДАН ПАТИР, ХОЛОС

Хонқа дон маҳсулотлари комбинатида муборак Наврўз олам муносабати билан 600 га яқин ишчи-хизматчига мўъжаланган байрам дастурхони безатилади. Совга тариқасида ҳар бир ишчига 100 сўмдан пул ҳам улашилди. Корхона раҳбариятининг бу ғамхўрлиги, шўбҳасиз, таҳсинига лойиқ. Аммо у хамир учидан патир, холос.

Ушбу йилнинг дастлабки ойда жамоамизнинг ҳар бир аъзосига турли хил маош ва мукофотлар тарқатилган, — деди корхона директори, Хоразм вилояти кенгашининг депутати Отабой Уринов. — Даставвалига 14-маошнинг тақсимладик. Мукофот тариқасида улашган бу маош киши бошига ўртача 130 сўмни ташкил этмоқда. Булардан ташқари ишчиларга овқат пули ҳам берилган. Иш ҳақидан олинадиган солиқлар миқдорини анча камайтириш юзасидан қабул қилин-

ган Президент Фармони эса — ғамхўрликнинг яна бир ифодаси.

Моддий бойликлар яратиш — элнинг ун, макорон маҳсулотлари, омухта озуқа бўлган эҳтиёжини қондириш борасида корхона аҳли эришадиган ютуқлар ижтимоий рағбатлантиришнинг ишончли манбаи. Маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва фойда олиш юзасидан кўзланган режалар муваффақиятли удалангани ижтимоий муҳофаза миқдосларини муттасил кенгайтира бориш имконини берапти.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Минг ўлиб, минг тирилиб, борса келмаслардан қайтиб келган ушбу байрам биз учун ниҳоятда қадридли. Уни кўзларга тўтиб қилсак арзийди. Чунки Наврўзнинг ўз номи ўзи билан. Янги кунни эса инсонлар, одатда, интиқлик билан кутадилар. Қишининг совуқларига, қаҳратонларига кўникиб қолган кўзларимиз, кўнгилларимиз баҳор келиши билан яшилликка ошиқлади. Беихтиёр онамининг қўшиғини эслаймиз:

Қишининг чиласида титраган гулим, Изгириң жонидан ўтмаган гулим,

ЁЗНИНГ ЁРУФ КУНЛАРИДАН ЁДГОРИМ

Қушлардайин учиб кетмаган гулим, Сени аёллардан кутқадурман. Ёмғир бўлиб ўпай яроларингни, Эгинингдаги япроқ — қаболарингни. Гунчалар яширган наволарингни, Жароҳатларингни битказадурман. Ёзнинг ёруф кунларидан ёдгорим, Икки дунёдаги ҳабибнинг ўзим, Дардингни олгучи табибнинг ўзим, Баҳорларга омон етказадурман.

Кўз очиб юмгунча еру кўкда жонланиш, янгилиниш бошланади. Қалдирғочлар қайтиб келади. Киш ичи димиқиб ётган ўт-ўланлар, курт-кумурсақалар еру юзига тошиб чиқа бошлайдилар. Соёлар, дарёлар гайрат билан қирғоқ ўпирани. Димоғларга нон таъмидай урилаган тупроқ иси қандай ёқимли. Бу гўзалликдан, бу ҳайратдан кўз тиниб, бош айланади. Наврўз ана шундай тухфалар олиб келади бизга. Бу, айниқса, кейинги йилларда, аниқроғи, мустақиллик завқи билан яшай бошлаганимизда янада мазмунли ва гўзал кечди.

Баҳор Наврўзнинг илк нафасларидир. У қайтиб келаверади, лекин ҳар йили ўзгача чирой, ўзгача малоҳат билан ташриф буюради. Унинг келиб-кейтиши расман бир ой ёки қирқ кун деб эътироф этилса-да, аслида байрам тантаналари йил бўйи давом этади. Ҳар бир фуқародан тортиб, корхона, ташкилот, муассасагача бу тадбирга алоқадордир.

Республика «Наврўз» хайрия жамағатисидан ҳам шу кунларда иш қизгин. Бир-биридан салмоқли режалар амалга оширилмоқда. 15 мартда мазкур жамағата Алоқа вазирилик ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорлигида «Ким топди?» кўрик-танловининг 2-ютуқлар тиражи, 20 март кунини эса «Ўзтадбиркорбанк» билан чиқарилган «Наврўз-95» лотерея тиражи ўтказилади. Бунинг учун 90 минг сўм маблағ ажратилган. Ўзбекистон кўзи оқизлар жамағатида, Байналмилал маданият марказида, 2-болалар юқумли касалликлар шифохонасида, Шайхонтоҳур туманидаги Каюм Миртожиев, Собир Раҳимов туманидаги Амир Темур номи маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларда ҳам жамағата томонидан катта ҳаёрат сарфланади. Шунингдек, соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек таваллудининг 90 йиллиги, Ўзбекистон халқ шоириси Зулфиянинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан қатор илмий-адабий анжуманларда иштирок этиш жамағата кун тартибидан жой олган.

Бундан ташқари республиканинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистонда ҳам турли-туман байрам тадбирлари бўлиб ўтади. Унда кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, қариялар уйда яшовчи, қаровчиси бўлмаган кексаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронлар ва ногирон болаларга, болалар уйи тарбияланувчиларига, ободонлаштириш ва кўчат ўтказиш, ҳамда Наврўз байрамини ташкил этишда фаол қатнашган ташкилотларга, мактабларнинг аълочи ўқувчиларига 200 минг сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилади.

Келинг, ҳаммамиз биргалишиб ўтказайлик бу байрамни. «Топган гул келтирар...» деганларидек, бу ёғи боримизга қараб. Ҳеч бўлмаганда кексайиб, меҳрга муҳтож бўлиб қолган ота-онамиздан, бемор кўшнимиздан, омади чопмаган дўстимиздан меҳр-муруватимизни, бир оғиз бугулей сўзимизни дариг-тутмайлик, уларнинг кўнглини кўтарайлик.

Ҳар тунинг Қалр ўлубон, Ҳар кунинг бўлсин Наврўз.

Азиз ва меҳнатқаш халқим. Гулчера ЙЎЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойи делегатлари ДИҚҚАТИГА
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши шунинг маълум қиладики, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XV қурултойи 1995 йил 17 март кунини соат 10.00 да Тошкент шаҳридаги "Туркистон" саройида очилади.

БАНКНИНГ БОЙЛИГИ УНИНГ МИҲОЗЛАРИ БОЙЛИГИДАДОР
БИЗДА МИҲОЗЛАР ҲАМ ДОИМ ҲАҚИ
Бизнинг банкда:
- молиявий аҳвол мутлоқ барқарор;
- банк хизматининг бутун мажмуи мужассам;

"СТРОЙКОММЕРБАНК" ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЎНТА ЕТАКЧИ БАНК ҚАТОРИГА КИРАДИ.
Биз юксак фаровонликка эришишни ҳоҳловчилар билан биргамиз!
Банк қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент, Абай кўчаси, 6 ва Буюк ипак йўли, 63.

ТИНЕ'95
БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ
"ТИББИЁТ ВА САЛОМАТЛИК - 95"
1995 йил 10-13 апрель кунлари ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
25 мамлакатдан келган юзта компания ўзининг юқори сифатли дори-дармон маҳсулотлари ва тиббиёт жиҳозларини намойиш этади.

Корхона пул ўтказиш йўли билан турли рангдаги эмал қраскаларини сотади.
Телефон: (3712) 74-08-74.

"АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ" фирмаси сизларга
Ҳиндистон "АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" фирмасида тайёрланган ажойиб "ТРИДЦАТЬ + ПЛЮС"
дорисини ва Италиядан келтирилган кўзойнақларни сотиб олишни тавсия қилади.
"Тридцать + плюс" инсон саломатлигини яхшилайди, куч-қувватини тиклайди, жигар, диабет ва гипертония, атеросклероз хасталикларидан ҳамда жинсий фаолият бузилган ҳолларда фойдали қўшимча даволаш воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига биринчи тоифадаги муҳандис-дастурчилар керак.
Номзодлардан қуйидагилар талаб этилади:
- махсус олий маълумот;
- мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган иш даври;
Ишга қабул қилиш танлов асосида бўлади.

Олмалиқ қурилиш материаллари корхонаси
ТАКЛИФ ЭТАДИ:
Қурилиш иншоотларида ва шлакли блок гишт ишлаб чиқаришда ишлатиладиган "аглопорит" маҳсулотини сотади.
Ҳақ тўлаш: чек ёки аккредитив.
Харидорнинг ўзи олиб кетади ёки темир йўл орқали жўнатилади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОВ.
\* БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодий 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Набатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Набатчи — Ф. Боблоустов.